

Тасбеҳ эркаклар учун, қарсак хотинлар учун | Ҳадис дарслари (366-дарс)



19:00 / 11 февраль 144

???? ???
??
??
??.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Тасбеҳ эркаклар учун, қарсак хотинлар учун», дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Намоз ўқиётган киши бирор нарсани билдирмоғи керак бўлиб қолса, нима қилиши лозимлиги шу ҳадисдан билинади. Агар намоз ўқувчи

эркак киши бўлса, у тасбеҳ айтади. Мисол учун, имом хатога йўл қўйганда ёки ўзининг намоз ўқиётганини билдирмоқчи бўлганида тасбеҳ айтади. Аёл киши эса овоз чиқариб тасбеҳ айтишнинг ўрнига қарсак чалади.

Бу нарса намоздан бошқа жойларда ҳам йўлга қўйилган. Юқорига ўхшаш вазиятларда аёл киши ўз муносабатини билдириш учун қарсак чалади, эркак киши эса тасбеҳ ёки такбир айтади.

???? ?????? ???? ?????? ?????? ?????? ?????? ???? ?

???????????? ?????? ?????? ?????????? ????????????? ??????:

???? ?????????? ?????????? ??? ????????????? ????????????????????

???????????? ?????? ?????????? ????????????? ?????????????

????????????????? ?????????????????? ??????????????. ?????????

?????????????????.?

Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Кимга намозда бир нарса ориз бўлса, тасбеҳ айтсин. Чунки тасбеҳ айтса, унга илтифот қилинур. Қарсак аёллар учундир», дедилар».

Учовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ерда «илтифот» сўзи луғатда «ўгирилиб қараш, эътибор қаратиш» маъносини англатади.

Бу ривоят аввалгисини таъкидлаб келяпти. Намозхон эркакка бир зарарни даф қилиш учун тасбеҳ эҳтиёжи тушса, «Субҳаналлоҳ» деб, тасбеҳ айтади. Аёл киши эса шу мақсадда қарсак чалади.

???? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????: ??????
?????????: ?????? ?????? ?????????????? ?????? ??????
????????? ?????????????? ?????????? ?????????????? ??????????
????????? ?????????????????? ?????????? ????????? ???
????????????????? ??????: ?????? ?????????? ??????????
????????? ?????????????????????? ?????????? ??????????. ?????????:
????????? ?????????? ?????????? ?????????? ?????? ?????????.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Билолга Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозда турганларида улар у зотга салом беришса, қандай қилиб жавоб беришлари ҳақида айтдим. У:

«Қўллари билан ишора қилар эдилар», деди».

Термизий ривоят қилган.

Абу Довуд:

«Кафтларининг ортини юқорига қилиб, ёзар эдилар», деган жумлани зиёда қилган.

Шарҳ: Демак, намозда шундай қилиш мумкин.

???? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????: ?????? ????

???????????? ?????? ?????? ?????????? ???????????

???????????????? ??? ?????????? ?????????????? ???????

?????????? ?????????????????? ??????????? ??????????

?????????. ?????? ??? ??????????????: ?????????? ???????????

????????? ?????? ?????????? ?????????? ?????????????? ??????????????

??????: ?????????? ?????? ?????????????????? ?????? ??????????

???????????? ?????????? ?????????? ?????????? ??????????????. ??????????

????????????????????? ?????????? ?????????????????????? ??????????????????

?????????? ??????????? ??????????????????.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эдик. У зот мени бир ҳожат ила юбордилар. Қайтиб келсам, намоз ўқиётган эканлар. У зотга салом бердим, у киши жавоб қайтармадилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Қўллари билан бундай, дедилар, яъни ишора қилдилар. Намоздан бурилганларидан кейин:

«Мени сенга алик олишимдан намоз ўқиётганимгина ман қилди», дедилар», дейилган.

Бухорий ишорасиз, Муслим ва Абу Довуд тўлалигича ривоят қилганлар.

Шарҳ: Демак, намозда саломга алик олиб бўлмайди. Лекин ишора қилса бўлади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.